



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Феврал

136к -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани ҳокимининг 2019 йил  
9 августдаги 5266қ-сонли қарорига  
ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Боғот туманидаги “INTER BAGAT” хусусий корхонаси директори М.Болтаевнинг Боғот туманидаги “INTER BAGAT” хусусий корхонасига Боғот шаҳарчаси ҳудудидан “Халқ қабулхонаси” биноси, қўшимча тадбиркорлик ва турар жой объектлари қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2019 йил 9 августдаги 5266қ-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 22 декабрдаги ШЯ-Б-3590-сонли аризасини, туман ҳокимлиги ва “INTER BAGAT” хусусий корхонаси ўртасида тузилган шартномани ва бошқа тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Боғот тумани ҳокимининг 2019 йил 9 августдаги 5266қ-сонли қарорининг иккинчи бандига қуйидагича ўзгартириш киритилсин;

- ушбу қарордаги ““Ашхобод” маҳалласи ҳудудидан 4 та 7 қаватли (1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, қолган 6 та қавати турар жой) бинолари қуриш учун 5000,0 квадрат метр, “Хуррият” маҳалласи ҳудудидан турар жой биноси қуриш учун 2800,0 квадрат метр қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин” сўзлари ““Ашхобод” маҳалласи ҳудудидан 3 та 6, 7, 8 қаватли (1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, қолган қаватлари турар жой) бинолари қуриш учун 4000,0 квадрат метр, “Хуррият” маҳалласи ҳудудидан турар жой биноси қуриш учун 3800,0 квадрат метр қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин” деб ўқилсин.

2. “INTER BAGAT” хусусий корхонаси “Ашхобод” маҳалласи ҳудудидан кўп қаватли турар жой қурилиши учун жами 14500,0 квадрат метр шундан,

3900,0 квадрат метр ер майдони кўп қаватли турар жойлар учун ажратилсин ҳамда ушбу турар жойлар атрофидан 10600,0 квадрат метр ободонлаштириш учун беркитиб берилсин.

3. “INTER BAGAT” хусусий корхонасига:

ушбу қарор билан кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши учун танлаб, ажратиб берилган участкада қурилиш ишларини бошлаш учун вилоят архитектура қурилиш бош бошқармасига архитектура режалаштириш топшириқларининг 1-2 қисмларига буюртма бериш;

қурилиш ишлари учун ишчи лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш;

тайёрланган ишчи лойиҳа ҳужжатларини вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги шаҳарсозлик кенгашига тақдим қилиш;

шаҳарсозлик кенгаши мажлисининг баённомасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини Давлат экспертизасидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман қурилиш бўлими бошлиғи (Ф.Қурбонов)га ушбу қарор билан кўп қаватли турар жой қуриш учун рухсат берилган ер майдонини бош лойиҳа асосида жойида (натурада) кўрсатиб бериш ҳамда қурилишининг шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида олиб борилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Боғот тумани ҳокимининг 2019 йил 9 августдаги 5266қ-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

6. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил август ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг бхусусий корхонасиарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими  
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев